



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ИМКОНиятлар Самарали Ишга Солинса, Ҳудуд Тараққиёти Жадаллашади

Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикасида қўшимча имкониятларни ишга солиш, инвестицияни кўпайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бу йил Қорақалпоғистон учун баракали келди, дейиш мумкин. Янги санаот корхоналари, туризм масканлари, энергетика қувватлари, IT-парк ишга туширилди. Қорақалпоғистонни Хоразм билан боғлайдиган 423 метрли янги автомобиль ва темир йўл кўприги очилди. Бу орқали юк ва йўловчи ташвиш масофаси 180 километрга қисқарди.

323 миллион доллар ҳисобига янгидан қурилган “Кўнгирут — Бейнов” автомобиль йўлининг 240 километр қисми фойдаланишга топширилди. Шунинг ўзи транзит ва бошқа хизматлар ҳажми йилга 200 миллион долларга ошишига замин яратди. Яқинда 196 километрли “Мискин — Нукус” темир йўлини электрлаштириш ишлари ҳам бошланади.

Ҳудудда санаот, тадбиркорлик ва инфратузилма соҳаларида 50 дан ортиқ имтиёз ва энгилликлар берилган. Хусусан, инвестиция лойиҳалари учун тўғридан-тўғри ер ажратиш ҳуқуқи фақат Қорақалпоғистонда жорий қилинган.

Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти бу йил Нукусда ўтказилиб, ҳудуднинг салоҳияти кўрсатиб берилди. Чет эллик инвестор ва мутахассислар ҳам у ерда даромад топиш учун катта имкониятлар пайдо бўлганини айтипти.

Масалан, мавжуд иқтисодий салоҳият комплекс таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалиги, туризм ва хизматлар соҳасида 2,5 миллиард долларлик имкониятлар аниқланган.

Ҳозир 87 минг гектар пахтадан ўртача 28 центнер ҳосил олинапти, 10 та туманда рентабеллик паст. Экспертлар бундай кам ҳосилли пахта майдонларини қисқартириб, ўрнига чорва озуқаси ва кунжут экишни тавсия қилмоқда. Озуқабоп экинлар ҳисобига 6,5 триллион сўмлик гўшт ва сут етиштириш, кунжутдан экспортни 500 миллион долларга кўпайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган. Бу орқали анча сув ҳам иқтисод бўлади.

Шунингдек, Мўйноқнинг ўзида камида 1 миллиард долларлик туризм лойиҳалари учун салоҳият бор. Яхлит мажмуаларни ишга тушириб, 1 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиши ва 5 минг аҳолини даромадли қилиш мумкин.

Этно ва экотуризм бўйича ҳам имкониятлар тўла ишга солинмай турибди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи, “Чиллик” ёдгорлиги, Аёз қалъа, Тупроқ қалъа каби 200 дан зиёд диққатга сазовор жойлар бор. Бу ҳам 3 миллион туристни жалб этиб, бир неча кун айлантириш учун дастур бўла олади.

Шундай имкониятлари бўлган республиканинг мутасаддилари, туман ҳокимлари вазифасига шахсий масъулиятини ошириши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорларга ҳудуд салоҳиятини кўрсатиб, лойиҳа тақлиф қилиш, бизнесга кўмакчи бўлиш керак. Ана шунда янги-янги иш ўринлари, қўшилган қиймат ва экспорт бўлади, одамларнинг даромади кўпаяди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси шу каби имкониятларни ишга солиш, инвестиция ва иш ўринларини кўпайтириш бўйича режаларини тақдимот қилди.

Давлатимиз раҳбари уларнинг таркибига эътибор қаратди. Хусусан, келаси йил учун режа қилинган 3,1 миллиард доллар инвестициянинг бор-йўғи 500 миллион доллари ҳудудий лойиҳаларга тўғри келади.

Шу боис, туманлардаги ҳамма имкониятларни сафарбар қилиб, бу нисбатни кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун қўшимча 1 миллиард долларлик ҳудудий лойиҳалар шакллантирилиб, 120 та корхона ишга туширилади. Экспорт миқдори 500 миллион долларга етказилади.

85 та йирик корхона тўлиқ қувватга олиб чиқилади. Шунингдек, янги корхоналар, савдо ва сервис майдонлари ташкил этилиб, 150 минг одамнинг бандлиги таъминланади. Натияжада ишсизлик даражаси 5,4 фоизга тушади. 20 минг эҳтиёманд оилага даромад манбаи яратилиб, камбағалликни 7,6 фоизга камайтириш чоралари кўрилади.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда 1 гигаваттлик шамол электр станцияси қуриляпти. Жами 9,3 гигаваттлик шундай станциялар қуриш бўйича лойиҳалар бошланяпти. Бу — йилга 33 миллиард киловатт-соат электр энергияси, дегани. Табиий газ бўйича ҳам қулайлик кўп.

Шунинг учун металлургия, химё, қурилиш материаллари каби тармоқлардаги

кўп энергия талаб қиладиган йирик лойиҳаларни Қорақалпоғистонда жойлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам самарадорликни ошириш зарур. Суғориладиган ерларда жами 3 минг гектар санаотлашган боғ ва тоқзор барпо қилинади. 31 минг гектарда кунжут, 22 минг гектарда мош экиб, экспортга йўналтирилади. 30 минг гектарда қизилмия экиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади.

Булар Қорақалпоғистондаги имкониятларнинг айримлари, холос. Уларни самарали ишга солиш ҳудуднинг жадал тараққиётини таъминлайди.

Шу боис, Қорақалпоғистонда 3 та асосий йўналиш — қишлоқ хўжалиги, санаот ва туризми ривожлантириш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилади. Мазкур туризмга ҳар бир туманининг ўсиш нуқталарини таҳлил қилиб, қандай экинларни етиштириш, ердан даромаднинг кўпайтиришга ёрдам беради. Хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича лойиҳалар тайёрлаб, ҳокимларга етказилади. Янги туризм йўналишларини очиб ва уларга инфратузилма олиб бориш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

Мутасаддиларга инвестиция лойиҳаларининг бориши, бандлик ва экспорт режалари таъминлигини алоҳида назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Нуфузли хорижий экспертларни жалб қилиб, ҳар бир тумани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш топширилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган МДХ ва ЕОИИ саммитларида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрида бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг норасмий учрашуви ва Олий Евроосий иқтисодий кенгашнинг навбатдаги йиғилишида қузатувчи мақомида иштирок этади.

Саммитлар кун тартибидан мазкур кўп томонлама бирлашмалар доирасидаги

ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Биргаликда қилинган ишларнинг асосий якунлари сарҳисоб қилинади ва келгуси йилги амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашилади.

ЎЗА

Кун нафаси

“ЧЕМПИОН” ТАДБИРКОРЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити, бизнес эгалари учун яратилган қулай ва имтиёзли шароитлар тадбиркорликка қўл уриш истагидаги инсонлар сафини кенгайтирмоқда. Умуман, ҳозир тадбиркорлар ҳақида гап кетса, атрофимиздаги ўнлаб инсонларни бемалол санаб берамиз. Чунки улар аввалгидек яширинча ва кўрқиб эмас, балки очик-ошқора, бевосита давлат кўмағида, кўплаб имтиёزلардан фойдаланган ҳолда меҳнат қияпти. Иқтисодиёт тармоқлари ривож, ҳудудлар тараққиёти, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири — камбағалликни қисқартиришга ҳисса қўшмоқда.

Юртимизда якунига етаётган 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили ўз ном билан чинакам ишбилармонликни ривожлантириш даври бўлди. Буни рақамлар ҳам, эришилган натижалар ҳам кўрсатяпти. Муҳими, тадбиркорларда ўзига ишонч, ишлаб чиқариш ва катта бозорларга чиқишда

яхшигина тажриба шаклланди. Улар энди ортга қайтиш, ишини тўхтатиш эмас, балки фаолиятини янада кенгайтириб, даромадини ошириш, савдо айланмасини юқори суммаларга чиқариш ҳақида ўйляпти.

Давоми 2-бетда

“ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ” УНУТИЛМАС, ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР БАЙРАМИ

Шукуҳ



Мамлакатимизда ёш авлодга ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлган “Президент арчаси” тантаналари болажонларнинг энг севимли байрамларидан бирига айланиб улгурган.

Кунни кеча пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган анъанавий “Президент арчаси” тадбири болажонлар қалбига ўзгача шукуҳ улашиб, уларни ёрқин таассуротларга ошно этди. Байрам тантаналарига ижтимоий Ҳимояга муҳтож, ота-она қарамоғисиз қолган, имконияти

чекланган болажонлар тақлиф этилди. Алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлган бу тадбир ўғил-қизларни инсонпарварлик ва олажаноблик остида бирлаштирди, меҳр улашди.

Давоми 2-бетда

2024 ЙИЛ: ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОРТГА ҚАЙТМАС ЯНГИЛЕНИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЮРТ

Ҳуқуқшунос таҳлилчи сифатида ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, 2024 йил том маънода “ёшлар учун янги уфқларни кашф этиш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, янги имконият ва шарт-шароитларни яратиш йили” бўлди! “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да мамлакатимизда ёшларга доир юритилган оқилона сиёсатнинг қуйидаги ижобий жиҳатларини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Биринчи ижобий жиҳати: янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг бош меъмори, асосчиси ва фидойиси — Президентимиз томонидан йил давомида барча соҳалар каби ёшлар сиёсатида ҳам ортга қайтмас ислоҳотлар амалга оширилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истакларини рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни ишга солиш энг муҳим масала сифатида доим кун тартибда турганини алоҳида қайд этиш керак. Давлатимиз раҳбари 2024 йилнинг 1 январидан 24 декабрга қадар миллий ва халқаро доирадаги маъруза ва нутқларида, ўтказилган видеоселектор йиғилишларида 108 мартаба ёшлар сиёсатининг муҳим масалаларига ўз эътиборини қаратгани ҳам фикримиз исботидир.

Иккинчи ижобий жиҳати: йилнинг асосий ижро ҳужжати ҳисобланмиш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси халқимиз, аввало,



ёшларнинг кенг муҳокамасига тақдим этилиб, уларнинг фикр ва тақлифлари асосида қабул қилинди ва ижрога қаратилди.

Ушбу ижобий ҳолат ёшларга ўзлари учун амалга оширилиши керак бўлган ҳамда уларни ўйлантириб келган долзарб масалаларни ҳал этиш, яратилиши зарур бўлган янги имкониятларни ишга тушириш бўйича катта куч берди. Натияжада ёшларнинг тақлиф ва ташаббуслари давлат дастурида ўз ифодасини топиши ва шу асосда йил давомида кўплаб масалалар ижобий ҳал этиб келинмоқда.

Учинчи ижобий жиҳати: жорий йилда ёшлар билан боғлиқ кўплаб масалаларни қуйи бугуннинг ўзида ижобий ҳал этиш имконияти янада оширилди.

Дунёда ўхшашли йўқ ноёб тизим — “маҳалла еттичилиги” орқали минглаб йигит-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтнинг мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кўплаб масалалар ижобий ҳал қилинди. Жумладан, йил давомида “маҳалла еттичилиги” тавсияси билан 156 минг ёшга 60 минг гектар ер 30 йил муддатта ижарага берилди. Бу шунча хонадонга умид кирди, шунча ёшнинг жамиятда ўз ўрнини топишига йўл очилди, дегани.

Тўртинчи ижобий жиҳати: йил давомида ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ёшларнинг барча қатламлари манфаатларига бирдек хизмат қилувчи манзилли оқилона сиёсат юритилди.

Давоми 3-бетда

“ЧЕМПИОН” ТАДБИРКОРЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Кириб келаётган янги йил олдида эришилган натижаларни сарҳисоб қилишнинг ҳам ҳикмати бор. Яна бу амалиёт давлат раҳбарининг ўзи билан бўлса, соҳа вакиллари янада куч беради. Жорий йил 20 декабрь куни Президентимизнинг юртимиз етакчи тадбиркорлари билан бўлиб ўтган учрашувини ҳавас билан кузатдим. Бу давлатимиз раҳбарининг бизнес эгалари билан шу йилнинг ўзида ўтказган иккинчи очик мулоқоти. Бундан олдинги мулоқот аънаёна кўра, 20 августда бўлиб ўтганди. Ушанда тадбиркорлар томонидан ўнлаб таклиф ва ташаббус билдирилиб, ўртага ташланган муаммо ва масалаларнинг ечими янги қарор, фармонлар орқали амалиётга татбиқ этилди, бизнес эгаларига қўшимча энгиллик ва имтиёзлар берилди.

Бу галги видеоселектор шаклида ўтган мулоқот соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича ортада қолаётган йил сарҳисоби ҳамда 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳофазасига бағишланди. Тадбиркорлар билан бир йилнинг ўзида иккинчи бор ўтказилган очик мулоқот ҳорижий ахборот нашрлари эътиборидан ҳам четда қолмади. Хусусан, Покистоннинг қатор марказий ахборот агентликлари, электрон платформа ва даврий матбуот саҳифаларида тадбир тўғрисида материаллар чоп этилди.

Маҳаллий нашрлар орқали шу куннинг руҳиятини фаол кузатиб турдик. Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб,



Кун нафаси

тадбиркорларга ўз ишончи, хурматини билдирди. Ишбилармонлар бирин-кетин сўзга чиқиб, янги лойиҳалари, таклифлари, тизимли муаммолар ҳақида гапирди. Президентимиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда давом этишини таъкидлаб, келаси йили бериладиган янги имтиёзлар ҳақида ҳам айтиб ўтди. Масалан, 2025 йил 1 январдан ер ёки давлат мулки қўшимча қиймат

солиғисиз сотилади, мобил алоқа учун акциз солиғи бекор қилинади. Нашриёт корхоналари фойда солиғини тўлашдан 5 йилга озод этилади. IT парк резидентларига барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзлар 2040 йилгача узайтирилади ва ҳоказо. Очиги, бундай энгиллик қўллаб бизнес эгалари учун янги йил олдида аjoyиб совға бўлди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



СОЛИҚ ТўЛАШДАН ҚОЧИШ — ИНСОФСИЗЛИК

Тадбиркорлар бир жойда тўпланса, албатта, катта рақамлар ҳақида гап боради. Аслида, мамлакатимиз иқтисодий ўсиш кўрсаткичларида рақамларнинг ўзи катталашиб борапти. Хусусан, бу йил юртимиз иқтисодий 6,3 фоиз ошди, 111 миллиард долларга етди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизматлар соҳасига 38 миллиард доллар инвестиция кирди, экспорт 26 миллиард доллардан юқорилди. Бу натижаларга эришишда шу йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун гоёт муҳим бўлган 5 та қонун, 101 та фармон ва қарор қабул қилинган ҳам катта аҳамиятга эга. Бу орқали бизнес эгаларининг ҳудудлар иқтисодий ўсиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, юртдошларимиз турмуш шароитларини яхшилашдаги улуши ортиб борапти.

Шўҳрат ЭРГАШЕВ, “International beverages Tashkent” МЧЖ таъсисчиси:

— Очик мулоқот фақатгина тадбиркорлар билан учрашув эмас, балки иқтисодий ривожланишнинг янги қирраларини белгилаб берувчи йўналиш сифатида аҳамиятлидир. Чунки давлатимиз раҳбари ишбилармонларнинг ўзидан тизимли муаммоларни эшитиб, уларга аниқ ечим-



ларни берапти. Ҳеч бир йўналиш эътибордан четда эмас. Айниқса, озиқ-овқат етиштириш ва ишлаб чиқариш соҳасида белгиланган режалар ниҳоятда катта. Келаси йили мева-сабзавот экспортини қарийб 3,5 миллиард долларга етказиш кўзланган. Бу соҳа ишлаб чиқарувчилари учун янги имкониятлар яратишга асос бўлади. Шу қаторда бизнинг корхонамиз учун ҳам. Чунки асосий фаолиятимиз озиқ-овқат соҳаси, йилга 5 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаймиз. Корхоналаримизда жами 3800 киши ишляпти. Аини пайтда

Ўзбекистондаги солиқ тўловчи 10 та йирик корхонадан бири ҳисобланамиз ва бу билан фахрланамиз.

Мулоқотда йирик тадбиркорлардан бири ўз нуқтаида давлат томонидан шунча имтиёзлар берилаётган шариҳда солиқларни тўлашдан қочиш инсофсизлик эканини айтиб, бундай бизнес эгаларига бойкот эълон қилишни таклиф этди. Унинг сўзларини эшитиб, 10-15 йиллар олдинги ҳолат кўз олдимдан ўтди. Биргина дўкони бор одамни ҳам тадбиркор санардик. Чунки ундан каттароқ тадбиркорларни билмасдик, борлари ҳам қўриқиб, мол-мулкни, даромадини, ҳатто ўзини яшириб яшарди. Каттароқ тадбиркор ҳақида эшитиб қолсак, ноқонуний ишляйди деб ҳисоблардик. Яна ўша кичиккина дўкони бор одам нуқул солиқлардан қочарди. Аксига олиб, солиқ тўловчилар ҳам ҳа деса эшигини тақиллатиб келаверарди.

Бугун тадбиркорларнинг ўзи солиқлар вақтида тўлашга қаҳарияпти. Чунки тизим шаффоф, тўловлар қаерга, нимага кетаётгани маълум. Тадбиркордан ҳеч ким ортиқча пул олмайди, даромадини суриштирмайди. Ишласа, қанча кўп пул топса, шунча яхши. Фақат ҳалол ишласа бўлган. Бу ўзи ҳам, давлатга ҳам, жамиятга ҳам фойда.

ИШБИЛАРМОННИНГ ЮТУҒИ — БУТУН ХАЛҚИМИЗ ЮТУҒИ

Шуларни ўйлаб туриб, учрашув иштирокчилари — тадбиркорларга назар ташладим. Орасида катта савдо айланмасига эга йирик бизнес эгалари кўп. Биз яқингача уларни танимасдик, билмасдик. Энди эса даромадлари ҳақида очик гапирляпти. Давлатимиз раҳбари юртимизда ишчилари 5 мингдан зиёд, йиллик даромади 1 триллион сўмдан ошган 142 нафар “чемпион” тадбиркор борлигини фахр билан таъкидлади. Бу корхоналарга давлат иқтисодийнинг локомотиви сифатида янги технологияларни қўллаш, аҳоли бандлигини таъминлашда катта куч сифатида қаралляпти. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари уларга ҳавас қилиб, эргашяпти.

Жаҳонгир Ортиққўжаев, тадбиркор, Тошкент шаҳри:

— Ўзбекистонда тадбиркорлар учун шундай шароитлар яратилдики, натижада охириги йилларда 5-10 баравар ривожланган корхоналар кўпайди. Юртимизда бизнес учун кенг йўл берилган ҳамда тадбиркорликка қизиқиш уйғотди. Биргина конвертация очилганининг ўзи катта нарса. Қолаверса, қўшни давлатлар билан очиклик сисэати маҳаллий ишбилармонларни янги бозорларга

олиб чиқди. Ҳамма соҳа, хусусан, туризм йўналишида катта ўзгаришлар бўляпти, охириги йилларда ўсиш 3 баравар ошди, десак хато бўлмайди. Шу боис, биз ҳам компанияларимизга янгилик киритиб, янги соҳаларни йўлга қўйяпмиз. Бу йил Тошкент шаҳрида 6 та меҳмонхона қурилишини бошладик. Ҳаммаси экотизим қилинган бўлиб, 1200 ўринга мўлжалланган. Бу ўрта Осиёда энг катта меҳмонхоналар тизими бўлади ва келаси йил охирида битиришни режалаштирганмиз. Тиббиёт туризми йўналишида ҳам лойиҳаларимиз бор. Дунёда рейтингни бўйича энг етакчи ўринда турадиган шифоналар раҳбарлари билан учрашдик, барчаси



ҳамкорликка рози бўлди. Ҳозир АҚШнинг Кливленд шифоҳонаси билан биргаликда тиббиёт муассасаси қуришни режалаштиряпмиз. Улар қадрлар алмашинувчи, ўқитиш бўйича ҳам ҳамкорликка тайёр.

Ана шундай ташаббускор, фаол тадбиркорларни кўриб, юртимизда бизнес вакиллари катта ишонч, рағбат ва имтиёзлар берилаётганига амин бўлади киши. Давлатимиз раҳбари учрашув сўнггида тадбиркорларнинг лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доим тайёрлигини билдириб, тадбиркорнинг ютуғи бутун халқимизнинг ютуғи эканини таъкидлади.

Учрашувдан тадбиркорлар қатори мен ҳам завқландим. Ўз бизнесимни очиб истасим янада қатъийлашди. Балки яқин йилларда ана шу тадбиркорлар қаторида бўларман. Ҳар ҳолда, шундай яхши ниятлар бор. Ахир янги йил — яхши ниятлар, эзгу орзулар, катта мақсадлар палласи.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИК

Солиқларни ўз вақтида тўлайдиган ишбилармонлар учун молиявий манфаатдорлик бор. Бу уларга Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингидagi ўрнини мустаҳкамлаш, шу орқали янги ва қўшимча имтиёзларга эга бўлиш имкониятларини беради. Шу боис, солиқларни ўз вақтида, таъбир ҳис бўлса, бажонидил тўлаётган корхоналар сони ортиб бормоқда.

Анвар НОРБОЕВ, тадбиркор, Самарқанд шаҳри:

— Корхонамизда учта лойиҳани амалга оширдик. Булар — энергетика-жамкор трансформаторлар, электр тармоқларининг авариясиз ишлаши учун зарур бўлган замонавий вакуумли ажраткичлар ҳамда ўлчов трансформаторлари ишлаб чиқариш лойиҳалари. Махсулотлар доимий ишлаб чиқарилляпти. Бугунги кунга келиб, корхонамизнинг саноат йўналишида 120 дан ортиқ киши меҳнат қилляпти. Бу борада йирик тадбиркорларни кўриб, улардан илҳом оляпмиз. Давлатимиз раҳбари билан бўладиган ҳар бир мулоқотда янги гоёлар, куч оламиз, олдимизга аниқ вазибалар кўямиз.

Айниқса, тадбиркорларга шаффоф ишлаш, фаолиятида “яшил” энергетикани кенг қўллаш бўйича қўйилган масалалар жуда долзарб. Ҳозирги глобал экологик шароитда саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли чиқиндиларни камайитиришда, аввало, биз, тадбиркорлардан ташаббускорлик талаб этилади. Бунинг учун корхоналарда фойдаланилаётган электр энергиясининг катта қисминини “яшил” энергетика ҳисобидан ҳосил қилишга ўтишимиз лозим. Юртимиздаги йирик лойиҳалар бунга имкон беради. Олдимиздаги яна бир вазифа кўпроқ одамни иш билан таъминлашдан иборат. Келаси йили юртимизда 5 миллион аҳолини банд қилиш, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган. Бунга биз ҳам ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз. 2025 йилда ана юзлаб бўш иш ўрни яратилиши кўзляпмиз.

Ингиллишда келаси йилдан тақдим этиладиган янги имтиёзлар ҳақида ҳам сўз борди. Тадбиркорлар бундай имкониятлардан манун. Мамнун бўлибгина қолмай, бунга ўз фаоллиги, янги ишлаб

чиқариш қувватлари, жамият фаровонлигига дахлдорлик ҳисси билан жавоб бермоқда. Айниқса, даромадга кирган кўллаб тадбиркорларнинг ижтимоий масъуллиги ошаётгани қувонарли. Хусусан, ўтган қисқа вақт давомида тадбиркорларимиз камбағал оилаларнинг 387 минг аъзоси ва ногиронлиги бор 40 минг одамни даромадди қилди. Балки бизнес эгалари даромади ошиб, бу соҳа мамлакатимизда катта кучга айланиб бораётгани сабабларидан бири ҳам халқимизга хос инсонпарварлик, меҳнатқат, меҳнатсеварлик фазилатлари бўлса ажабмас.

Шукуҳ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сисэатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини таъминлаш борасида салмоқли сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар, айниқса, болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли дастурлар бунга мисолдир. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар меҳр ва кўмак тизимининг аҳолига яқинлаштирилиётганига, ҳеч ким эътибордан четда эмаслигига далил бўла олади. Хусусан, жорий йилда “Президент арчаси” тантаналарининг юқори савияда ташкил этилишини замирида ҳам ана шу инсонпарварлик, эзгу ва хайрли мақсадлар ўрин олган.

— Байрам тантаналарида болаларнинг қувончи чексизлигини кўриб, очиги, ўзимнинг ҳам дилим яйради, — дейди Наргиза Иброҳимова. — Болалар байрамлари яхши кўради. Айниқса, Янги йилни интиқлик билан кутади. Турли томошалар, эртак қаҳрамонлари, спорт юдузлари ва санъаткорларнинг чиқиши болаларда унутилмас таассурот қолдирди. Бу йилги байрамга фарзандларим билан келдик. Уларга ўз ота-онасидек муносабатда бўлишга ҳаракат қилсак-да, барибир давлатимиз меҳрини кўмсайди. Президентимиз эътибори эса уларнинг кўнглини тоғдек кўтаради. Биргина мисолни айтсам: шанба кунлари фарзандларимиз учун турли саёҳатлар ташкил этилмоқда. Барча харажатлар давлатимиз томонидан қопланади. Уларнинг ўша пайтдаги қувончини бир кўрсангиз! Бу юксак эътибор ва бегараз



“ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ” УНУТИЛМАС, ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР БАЙРАМИ

кўмак уларнинг эртага юрт қорига ярайдиган фарзандлар бўлиб улғайишига замин яратишига ишонаман.

Ихтиёр Раҳматуллаев ва Наргиза Иброҳимова оиласида камолга етаётган Соҳан Богданнинг ҳам бу йил қувончи чексиз.

— Бу байрамда иштирок этишни жуда истагандим, — дейди у. — Юртимизнинг машҳур инсонлари, санъаткорлар, спорт юдузлари чиқишлари жуда қизиқарли бўлди. Улардан кўп нарсга ўргандик. Янги йил чиндан сеҳрли байрам. Буни байрам тантаналарида ҳам ҳис қилдик.

Янги йил руҳига мос безатилган сарой саҳнасида замонавий талқинда намойиш этилган “Аёз бобо” театрлаштирилган эртаги болаларни бир муддат орзулар

оламига етақлади. Қийинчиликлардан чўчимаслик, уларни енгиб ўтиш, спортда фаол бўлишга ундаган бу эртак ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотди.

— “Аёз бобо” эртаги бизга изланувчан, ҳаракатда бўлсак, албатта, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш мумкинлигини ўргатди, — дейди пойттахтимиздаги 238-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Асалои Милхеева. — Ўз устиди ишлаш, спортга ошно бўлиш, жасорат, ишонч туйғуларининг кўнглини юксалтирди. Байрам ташкилотчиларига катта раҳмат. Биз байрам тантаналарида янги дўстлар

ортирдик, ҳаммамиз биргаликда хурсандчилик қилдик. Дастур давомида намойиш этилган театр томошалари, интерактив ўйинлар, цирк санъаткорларининг қизиқарли чиқишлари ҳамда машҳур эстрада хонандалари қўшиқлари болажонларга олам-олам қувонч бағишляди. Тадбир якунида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари орқали болажонларга совғалар тарқатилиб, уларга байрамона кайфият улашилди.

“Президент совғаси” дастури доирасида республикамиз бўйлаб жами 10 минг 282 нафар Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари ўғил-қизлари, SOS — болалар маҳаллари, Гўдаклар уйи, Оилавий болалар уйи тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, юртимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандлари учун 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 номдаги ширинликлардан иборат бўлган Президент совғалари тайёрланди.

Юртимизда байрам арафасида меҳр-мурувват, гамҳўрлик ва саховат кўрсатиш аънава тусини олган. “Президент арчаси” ва “Президент совғаси” дастурлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этиб, кўрсатилётган эътибор ва қўллаб-қувватлов болаларнинг келажакда жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Зеро, улар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлса-да, давлатимиз эътиборидан четда қолмаганини ҳис этади. Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимизга қилган ҳар бир яхшиликимиз ўн яхшилик бўлиб қайтади.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



“Янги Ўзбекистон ёшлари” деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган ҳолда яратилаётган имкониятларга шукроналик ҳисси билан яшаш ва меҳнаткаш халқимизни рози қилиш, янги Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболи йўлида тинмай меҳнат қилиш шу азиз юртинг барча фарзандлари учун энг муқаддас бурчдир!

2024 ЙИЛ: ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ



Бошланиши 1-бета

Хусусан, ҳар бир вазирлик, агентлик ва давлат органи кесимида таълим, тадбиркорлик, спорт, туризм, илмий-инновацион фаолият, маданият ва санъат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, темир йўл, IT соҳа, иқтисодиёт, ҳарбий ва муҳофаза ҳамда бошқа тизимлардаги, шунингдек, ишиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар учун ҳам алоҳида дастурлар, режа ҳамда йўл хариталари қабул қилиниб, улар асосида салмоқли йўтуқларга эришилмоқда.

Биргина таълим соҳасига эътибор қаратилган бўлса, тарихий рекорд қайд этилди: жорий йилда мактаб ўқувчилари нуфузли фан олимпиадаларида 128 та, жумладан, 15 та олтин, 36 та кумуш ва 77 та бронза медални қўлга киритди. Ушбу кўрсаткич 2022 йилда 45 та эди.

Бешинчи ижобий жиҳати: йил мобайнида Ўзбекистон ижтимоий давлат сиёсатида зиммасига олган мажбуриятларни ёшларга яратиб берилган янги имкониятлар мисолида самарали амалга оширди.

Жумладан, “маҳалла еттилик” фаолияти натижасида оилалардаги, айниқса, ёшлари ўнлабтадан кўнраб муаммоларга ижобий ечимлар берилди. Оқилона манзилли ижтимоий сиёсатнинг натижаси ўлароқ, оилаларнинг “ижтимоий портрети” чизилиб, улар асосида ҳар бир оилاداги ёш билан ишлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Минглаб ёшлар жамиятга интеграция қилинди, улар иқтисодий фол қатламга айланди.

Бу йил ижтимоий йўналишда жорий этилган ўзига хос тажрибалар сифатида:

- “Ихтисослашган тугтинган оила” тизими;
- “Ёшларга ҳамроҳлик” дастури, унинг доирасида етим ва ота-она қарамогисиз тоифадаги 14 ёшдан 23 ёшгача бўлган болалар учун “индивидуал режа” асосида маҳаллаларда ижтимоий ҳодимлар бириктирилиши, олий таълим, касб-хўнарга тайёрлаш, уй-жой ижараси ҳамда даволаниш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилиши, таълимни тамомлаган ёшлар давлат фуқаролик хизматида танловсиз қабул қилинишига доир ноёб тизим;
- ижтимоий ёрдamlарни “ижтимоий карта” орқали молиялаштириш амалиёти;
- тўдақлар етим қолишининг олдини олиш учун “Оналар макани” хизмати;
- “Инсон” марказлари томонидан ҳақиқатан уй-жойга муҳтож ёшлар рўйхатини шакллантириш амалиётини айтиб ўтиш ўрилли бўлади.

Мазкур янги тизим ва амалиётлар ёшлар ҳаётида ижобий натижалар бермоқда.

Янги Ўзбекистонда 2024 йилда ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмунини “ёшларни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслик, уларга давлатнинг, жамиятнинг эртанги кунга сифатида қараш” деган ҳаётий тамойил ташкил этди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Юкмас натижалар порлоқ келажакни кафолатлайди

Ушбу йилда ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида тарихий ва салмоқли йўтуқларга эришилди. Хусусан, соҳалар кесимида тахлил қилсак.

Қонуничлик соҳасида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди ва соддаштирилди. Ўзбекистон Республикаси қонуничлик маълумотлари миллий базасига кўра, йил давомида ёшлар сиёсатининг барча йўналишлари бўйича 88 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, уларнинг 19 таси ёшларга оид давлат сиёсатининг аниқ йўналишларини бевосита ҳуқуқий тартибга солиди, шундан 9 тасини Президент фармони ва қарорлари ташкил этди. Бундан қўриш мумкинки, давлатнинг раҳбарлиги том маънода қонуничлик соҳасида ҳам ёшларнинг энг яқин қўллаб-қувватловчиси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратилиши орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 60 минг гектар ер электрон онлайн аукцион савдога қўйилиб, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун устувор равишда ёшларга ижарага берилди ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим жорий этилди.

Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун ёшларга ажратилган 55,4 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалиги экинлари тўлиқ экилиб, 1,2 миллион тонна маҳсулот етиштирилди ҳамда жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида 259,3 миллион долларлик 769,1 минг тонна савабот экспорт қилинди.

Ёшлар ҳар бир гектардан 75 миллион сўмгача даромад олгани тахсинга лойиқ. Давлат томонидан йўлга қўйилган ушбу тизим:



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОРТГА ҚАЙТМАС ЯНГИЛАНИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЮРТ



Акбаршоқ ТЕШАБОВЕВ, Ўз ФА Давлат ва ҳуқуқ институтини бўлим бошлиғи, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

биринчидан, қишлоқ жойлардаги ёшларнинг олдинга интилиши, жамиятнинг ўз мустақил маблагига эга бўлган фол қатламга айланиши;

иккинчидан, ерлардан унумли фойдаланган ҳолда ундан мақсадли фойдаланиш интизомини шакллантириш;

учинчидан, бозорларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиб, нарх-наво барқарорлигини сақлаш;

тўртинчидан, сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти кўпайиб, хорижий валюта оқими ортиши, шунингдек, миллий иқтисодиётимиз мустақамлиги учун бирдек хизмат қилмоқда.

Меҳнат ва бандлик соҳаси борасида йил давомида “ёшлар баланси” бўйича 925 минг йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Шунингдек, бутун кунда “Хар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” лойиҳаси доирасида ахборот технологиялари соҳасида 70 минг ёшни банд қилишга эришилмоқда.

Рақамли технологиялар соҳасида бутун кунда юртимизда 80 мингта яқин ёш IT билан мустақил шугулланмоқда. Чекка ҳудудлардаги ёшларга ҳам замонавий касбларни ўргатиш орқали уларни жамиятнинг иқтисодий фол қатламга айлантириш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб 15 та ҳудудда IT шаҳарча ташкил этиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хар йили ушбу шаҳарчаларда ўн мингта яқин ёш тахсил олгани эса келгусида ахборот технологиялари соҳасида етук мутахассислар етишиб чиқишига замин ҳозирламоқда.

Тадбиркорлик соҳасида 2024 йилда тадбиркорлар фаолияти учун гоът муҳим 5 та қонун, 101 та фармон ва қарор қабул қилинди.

Тадбиркорликнинг истиқболи эса ёшларнинг иқтисодий ташаббускорлигига бевосита боғлиқ. Юртимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда жуда катта лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, тадбиркорликнинг энг қўлай шаклларидан бири — оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида берилган кредит эвазига 1 миллиондан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди, 205 та “Ёшлар саноят зонаси”да 1200 та лойиҳа ишга туширилди. Қувонч билан айтиш жоизки, юртимизда бутун кунда бизнесдаги айланма маблагини миллион доллардан оширган 1,5 минг нафардан зиёд ёш тадбиркор фаолият юритмоқда.

Бутун кунда ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жаҳон савдо ташкилоти доирасидаги юқори даражадаги рақобат муҳитида “тик оёқда тура оладиган” тадбиркорлар қатлами юзга келишига ҳам хизмат қилди.

Спорт соҳасида юртимиз сўнгги йилларда дунёнинг етакчи давлатлари қаторига кириб борди. Буни шу йил Париж шаҳрида ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида эришган юкмас натижаларимиз ибботлади. Хусусан, тўрт йилликнинг энг мухташам мусобақасида жамоамиз спортимиз тарихидаги энг юқори натижани қайд этиб, жаҳон бўйича 13-ўринни,

Осиёда 4-ўринни, Марказий Осиё минтақаси, МДХ, ТДТ каби тузилмалар бўйича 1-ўринни эгаллади. Яна бир эътирофи жиҳат, боксчиларимиз жамоаси ушбу Олимпия ўйинларида медаль жамғариш бўйича 1-ўринда қайд этилди.

Паралимпиячиларимиз ҳам умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади. Спортчиларимизнинг бундай улкан ғалабалари янги Ўзбекистон ёшлари нақадар кучли ва матонатли эканини бутун дунёга яна бир бор намойиш этди.

Миллий парламент ва маҳаллий кенгашларни шакллантиришда ёшлар иштироки

Бу йил миллий парламентимиз ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайлови кўтаринки руҳда, халқимиз, айниқса, овоз бериш ҳуқуқига эга ёшларнинг ушқоқлиги асосида ўтгани билан ҳам тарихда қолди. Янги конституциявий макон ва муносабатлар тизими асосидаги сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга ёшларнинг тўлиқ иштирокини таъминлаш бўйича барча зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Сайловда 700 мингта яқин ёш биринчи марта овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланди. Бу мамлакатимиз сиёсий ҳаётига янги ҳал қилувчи куч кириб келишини ифода этди.

Сайлов кампанияси даврида ҳам ёшлар бевосита фаоллик кўрсатди. Хусусан, 20 мингта яқин ёш турли даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятида бевосита иштирок этиш орқали ўз сиёсий фаолигини намойиш этди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ УШБУ ЙИЛ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА 27 МАРОТАБА ЁШЛАР МАСАЛАСИ ҲАҚИДАГИ ТАКЛИФ ВА ТАШАВБУСЛАРДАН 12 ТАСИНИ ХОРИЖИЙ САФАРЛАРДА ҲАМДА 15 ТАСИНИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ДОИРСИДА ИЛГАРИ СУРДИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янгидан сайланган депутатларнинг 2 нафари 30 ёшгача, 38,6 фоизи 30 ёшдан 45 ёшгача экани ҳам парламент таркибиде ёш парламентарийлар овози ангарини англагати.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар)лар кенгашларига сайлов натижаларига кўра, янги сайланган депутатларнинг 4 фоизи 30 ёшгача, 39,5 фоизи 30 ёшдан 45 ёшгача бўлгани ҳам қувонарлиқдир. Бу ҳолда маҳаллий даражадаги масалаларни ҳал этишда ёшларнинг сиёсий фаолигини таъминлашга хизмат қилди.

Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ушбу сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки уларнинг ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётганини ҳамда келажакка эътибор ва ишонч билан қарай эканини кўрсатди.

Тошкент шаҳри — МДХ минтақасида биринчи ёшлар пойтахти

2024 йил ёшлар ҳаётига доир яна бир муҳим натижа билан тарихда қоляпти. Тошкент шаҳри МДХ орасида биринчи ёшлар пойтахти макомига эга бўлди.

2023 йил 8 июнь кунини Сочи шаҳрида МДХ ҳукумат раҳбарлари кенгашининг “МДХнинг ёшлар пойтахти” халқаро лойиҳасини амалга ошириш бўйича йилги ишда “Тошкент шаҳри МДХнинг биринчи ёшлар пойтахти” тўғрисидаги қарор қабул қилинган эди.

Ушбу макомга илк маротаба айнан аҳолисининг ярами ёшлардан иборат Тошкент шаҳри лойиҳи топилигани жуда катта тарихий натижа бўлди.

Тадбир очилишида иштирок этган Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон делегациялари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Президенти бошчилигида юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати тўғри, оқилона ва ёшлар билан ҳамфикр ҳолда яратилаётгани эътироф этилганини эслаб ўтмоқчиман.

Халқаро тадбир МДХ давлатлари ўртасида маданий-гуманитар, ижтимоий, технология, экология, инновация ва халқаро соҳаларда куйидаги ижобий жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга бўлганини қайд этишимиз керак:

биринчи ижобий жиҳати: ушбу лойиҳа МДХ доирасида маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшди;

иккинчи ижобий жиҳати: лойиҳанинг амалга оширилиши МДХ давлатларининг ёшлар билан ишлаш борасидаги саяё-ҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилди;

учинчи ижобий жиҳати: ёшларнинг сароҳати рўбига чиқариш борасида ўзаро тажриба алмашиш имконини берди;

тўртинчи ижобий жиҳати: ёшлар ўртасида халқаро кун тартибидеги долзарб масалалар ҳақида муштарак фикр ва мақсадлар шаклланишига хизмат қилди.

Халқаро тадбир доирасида Тошкент — МДХ ёшлар пойтахти монументи очилгани ҳам раъзий маънога эга. Бу шунинг англатиши, ёшлар мамлакат бўлиши Ўзбекистон МДХ доирасида ёшлар ҳақида энг кўп қайғурдиغان, ёшларни ўзаро ўстлиқ ва ҳам-жиҳатлик руҳида камол топшини истайдиган давлат.



Ташқи сиёсатда муҳим ташаббуслар илгари сурилди

Янги Ўзбекистон кейинги йилларда миллий, минтақавий ва жаҳон миқёсида ёшлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қўллаб-қувватловчи ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси, МДХ, ШХТ, ИХТ, ТДТ ва бошқа тузилмаларда давлатларнинг эътиборини ёшлар масаласига қаратишга доир энг кўп тақлифлар айнан Президентимиз томонидан илгари сурилганини биз, ёшларга жуда катта ифтихор бағишлайди.

2024 йилда ҳам давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсий концепциясидаги энг муҳим масалалардан бири “ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш” бўлганини таъкид-лаш керак.

Президентимиз ушбу йил халқаро миқёсда 27 маротаба ёшлар масаласи ҳақидаги тақлиф ва ташаббуслардан 12 тасини хорижий сафарларда ҳамда 15 тасини хорижий делегациялар билан учрашувлар доирасида илгари сурди.

Хорижий сафарлар ва давлат ташаббуслари доирасида билдирилган тақлифлар: биринчи, 24 январь кунини Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан бўлиб ўтган расмий учрашувда билдирилган икки давлат ўртасида қўша ёшлар инновация форумини ўтказишга доир тақлиф; **иккинчи,** 18 апрель кунини Душанбе шаҳрида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан бўлган тор доирадаги учрашувда билдирилган икки давлат ўртасида ёшлар форумларини мунтазам ўтказиб бориш,

таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга доир тақлиф;

учинчи, 6 июль кунини Шуша шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий самитида билдирилган Туркий давлатлар ташкилоти шарафига аниқ фанлар бўйича Ёшлар Туркий олимпиадаси ва Жаҳон туркунослар конгресси 2025 йилда Ўзбекистонда ўтказишга доир ташаббуслар;

тўртинчи, 8 август кунини Оқўрда қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан бўлган тор доирадаги учрашувда билдирилган ёшлар сиёсати ва ахборот майдонини шакллантириш соҳасида яқин ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда бу йўналишда комплекс ҳамкорлик дастурини тайёрлашга доир муҳим ташаббуслар;

бешинчи, 9 август кунини Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашувиде билдирилган “Марказий Осиё ёшлари кун тартиби — 2030” доирасидаги ҳамкорлик дастурларига ёш авлодини кенг жалб этиш, Марказий Осиё таълим ва академик алмушав дастурини қабул қилиш ва етакчи олий ўқув юртинларнинг дипломларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимини ишлаб чиқиш, иқтидорли талабалар ўқиши учун ўзаро келишувлар асосида стипендиялар ажратиш, Тошкент шаҳрида биринчи Марказий Осиё таълим форумини ўтказишга доир муҳим ташаббуслар;

олтинчи, 12 ноябрь кунини Боку шаҳрида СОР 29 саммити доирасида Европа тикланиши ва тараққиёт банки президенти Олиф Рено-Бассо билан учрашувда билдирилган Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш ва уни янада бойитиш, аёллар

бешинчи, 23 август кунини Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи мажлисидаги мулоқотда маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар ва ахборот сиёсати, спорт соҳаларида фаол алмушавларни давом эттириш, турли соҳаларда ёшлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш дастурларини ишлаб чиқишга доир ташаббуслар;

олтинчи, 15 сентябрь кунини Германия Федерал Канцлиги Олаф Шольц билан тор доирада бўлиб ўтган музокарада масъул идоралар даражасида талаб юқори бўлган соҳаларда Ўзбекистонлик мутахассисларни тайёрлаш ва Германияга юбориш бўйича амалий ҳамкорлик “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, Германия олий таълим муассасаларининг факультет ва филиалларини очиб учун Ўзбекистонда барча шартноларни яратиш, Германиянинг дуал таълим тизимини Ўзбекистон ҳудудларида кенг жорий этиш бўйича илгари сурилган долзарб ташаббуслар шулар жумласидан.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари халқаро учрашувлар доирасида ёшлар туризмининг ривожлантириш, йўл қурилиши соҳасида кадрлар алмашиш, ёшлар маданий ҳафталиклар ўтказиш, уларни радикализм гоълари таъсиридан асраб-авайлашга қаратилган 10 дан зиёд тақлифни илгари сургани мамлакатимиз ва ҳамкор давлатлар ёшлари ўртасида самимий мулоқот ўрнатилиши, дунё миқёсида ёшларни ўйлантириб келётган муаммолар юзасидан давлатлар ўртасида ягона позиция шаклланишига хизмат қилмоқда. Қувонарлики, янги Ўзбекистон томонидан билдирилган барча тақлиф ва ташаббуслар дунё давлатлари томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда!

Энг муқаддас бурч

2024 йилда мамлакатимиз илк бор Жаҳон ёшлар фестивалига мезбонлик қилди. Бу натижа ҳам Ўзбекистонга юкмас эътибор намунаси, десак тўғри бўлади. Фестиваль доирасида юртимизга 92 мамлакатдан 700 нафардан зиёд ёш, 20 дан ортқ нуфузли халқаро ташкилотдан раҳбар ва масъул ҳодимлар келди. Улар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини, жумладан, ёшлар тадбиркорлигини учун давлат томонидан берилган қарорлар пакетини, ижтимоий сиёсат, олий таълим тизими, ёшларнинг хорижда тахсил олиши учун яратилган ноёб тизим ва амалиётларни жуда юкмас эътироф этди. Бу эътироф чинакамимизга юртимизда ёшлар сиёсати бошқаларга ўрнатилган эканининг амалий ифодаси бўлди деб бемалол айтиш учун барча асослар етарли.

“Ёшлар тараққиётини индекс”га кўра, Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ушбу эътирофлар ва эришилган юкмас натижаларнинг ортида икки муҳим омил, яъни:

биринчи муҳим омил: энг аввало, ёшларни қадрлайдиган ва уларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ўйлайдиган Президентимиз бошчилигида узоқни кўзлаб, халқимиз билан маслаҳатлашган ҳолда яратилган оқилона сиёсат;

иккинчи муҳим омил: амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнидан рози бўлаётган халқимиз, айниқса, ёшларнинг қўллаб-қувватлови ва эртанги кунга ишонч туйриб этди, десак ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айни вақтда йил якунига қадар камбағаллик даражасини 9 фоздан пасайтиришдек улкан мақсад олдимизда турибди. Бу улғувроқ мақсадларга, аввало, ёшларда ташаббускорликни ўйготиш, уларнинг иқтисодий лойиҳалари ҳамда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, инсонликдан ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш орқали эришиш мумкин.

Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 6,3 фозга ўсиб, 111 миллиард доллардан кўпайди, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасига 38 миллиард доллар инвестиция кириб келди, экспорт ҳажми эса 26 миллиард доллардан ошди. Мана шундай юкмас иқтисодий натижаларнинг бардавомлигини сақлаш шу юртинг барча фуқароси, айниқса, ёшларнинг иқтисодий ташаббускорлигини, маънавий баркамоллигини ҳамда юрт тараққиётига бефарқ бўлмаслигига бевосита боғлиқ.

Хулоса ўрнида айтганда бўлса, “Янги Ўзбекистон ёшлари” деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган ҳолда яратилаётган имкониятларга шукроналик ҳисси билан яшаш ва меҳнаткаш халқимизни рози қилиш, янги Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболи йўлида тинмай меҳнат қилиш шу азиз юртинг барча фарзандлари учун энг муқаддас бурчдир!

Юртимизда ичимлик сувни исроф қилиш ҳолатларининг аксарияти ҳисоблагич ўрнатилмаган истеъмолчилар ҳиссасига тўғри келади. Қонунчиликка асосан, сувни ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган ҳолатларда сув таъминоти хизматлари учун аҳоли истеъмолчиларига белгиланган тарифларга 1,5 орттирилувчи коэффицентни қўллаш йўли билан ҳисоб-китоб амалга оширилади.

Долзарб мавзу

Яқунига етиб бораётган йил мамлакатимизнинг барча соҳа ва тармоқлари учун жиддий ислохотлар, янги лойиҳалар ва ўсиш кўрсаткичларига бой, баракали давр сифатида тарихда қолмоқда. Амалий натижалар бевосита халқнинг ҳаёти, турмуш тарзида акс этаётгани қилинган ишларга тугилмаган асосий кўзгудир. Биз бугун аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги ҳаракатларни сарҳисоб қилар эканмиз, йил анчагина самарали бўлгани кўзга ташланади.

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ

жорий йилда 80 фоиздан ошди

берилди. Масалан, 2017-2024 йиллар мобайнида жами 6350 та объектада қурилиш ишлари олиб борилиб, 36 минг 797,2 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Ушбу ишлар натижасида 13,2 миллион одамнинг ичимлик сув таъминоти яхшиланиб, 7,8 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди.

Бунинг учун давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Хонобод — Андижон магистрал ичимлик сув қуварининг 2-босқич 2-қисми қурилиш натижасида Андижон шаҳридаги 372 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Франция Молия вазирлиги маблағлари ҳисобига “Яккабоғ — Қарши магистрал сув қуварларини қуриш ва мавжуд сув тақсимлаш иншоотларини реконструкция қилиш”, Араб мувофиқлаштириш гуруҳи маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган “Наманган вилоятининг Заркент, Ҳодикент, Исковот, Булоқбоши, Ёшлик шаҳарчалари ва Наманган шаҳрининг сув таъминотини яхшилаш”, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан “Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри ичимлик сув ва оқова сув тизимини яхшилаш ва оқова тизимларини реконструкция қилиш” каби қатор лойиҳалар давом этапти. Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 18 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларини яхшилаш мақсадида Франциянинг “СУЭЗ International SAS” компанияси иштирокида умумий қиймати 218,8 миллион евро бўлган йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг доирасида шаҳарда “ақли” бошқарув тизими жорий этилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳаларнинг ҳар бири минглаб оилаларнинг тоза сув таъминотини яхшилашга қаратилган.

Қолаверса, 2030 йилда юртимиз аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 90 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бу борада ҳудудлар кесимида янги лойиҳа тақдирлари ишлаб чиқилмоқда. Нафақат янги иншоотлар қуриш, балки эски иншоотларни ҳам қайта тиклаш ва реконструкция қилиш кўзланган. Жумладан, 2025-2030 йилларда республика бўйича қарий 45 минг километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи ҳамда 1,8 мингта иншоот қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган.



Сув текин эмас!

Бугунги глобал вазият одамларда ичимлик сувга муносабатини ўзгартириш, ундан оқилона фойдаланишга қаратилган жиддий чоралар кўрилиши ҳам талаб этамоқда. Афсуски, кўплаб шаҳарларда аҳолининг сувни тежаш муаммосига пассив муносабати мавжуд. Кўп ҳолларда сувдан фойдаланишда ҳамон исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Баъзилар машинасини тоза ичимлик сувда юваётгани, бошқалари салқинлик яратиш мақсадида офтобда иссиқ асфальтнинг ичимлик сув билан “суғориши” жуда ачинарли. Тўғри, бу одатлар азалдан синган, ариқларни тўлдириб оқиб турган сув бунга имкон берган, ичимлик сув муаммоси ҳали глобал миқёсда гапирилмаган вақтларда тежамкорликка эътибор қаратилмаган бўлиши мумкин. Бироқ бугун вазият ундай эмас. Жаҳонда жиддий қургочлик, сув тақчиллиги бошланган. Сув манбалари тобора қисқариб борапти. Бунга сабаблар кўп, албатта. Улар орасида, афсуски, инсоният ушбу бебаҳо неъматдан ҳўжасизларча фойдаланётгани ҳам йўқ эмас.

Мамлакатимизда одамларнинг қимматбаҳо ресурсга масъулиятсиз муносабатини ўзгартириш, истеъмолчиларда сувдан тежамкор ва оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарурати бор. Афсуски, бу борадаги тарғиботлар ҳар доим кутилган натижа бермапти. Шу бос, сув тарифларини шакллантиришда истеъмолчилар билан бозор муносабатларига ўттиш зарурати юзага келди. Амалиёт кўрсатадики, аҳолининг сувни тежашини кўп жиҳатдан ҳар бир истеъмолчининг тўловларини камайтиришдан шахсий манфаатдорлигига боғлиқ,

Яъни сувни қанча кам ишлатса, шунча кам тўлов қилади.

Юртимизда жами 11 минг 63 та сув олиш иншооти мавжуд. Ичимлик сувнинг асосий захиралари эса Амударё ва Сирдарё ҳамда унга туташ ер ости чуқук сув манбалари ҳисобланади. Мамлакатимизда бир йиллик сув сарфини 100 фоиз деб оладиганда бўлса, бунинг 87 фоизи қишлоқ ҳўжалигида, 9 фоизи энергетика ва балиқчилик, қолган 4 фоизига ичиш учун ишлатилади. Шундай шароитда сувга нисбатан энг арзон воситалардан бири сифатида қараш чинакам фожиа.

Халқимизда “сув текин” деган ибора кенг оммалашган. Афсуски, буни ичимлик сувнинг ўзига нисбатан қўлайлигини ҳам топилади. Дунёда сув тақчиллиги ҳақида бонг урилаётган бир пайтда одамларимиз орасида ҳамомда сувни соатлаб оқизиб қўядиган, ёз ойларида ҳовли-кўчаларга эринмай сув сепадиган, гулла ювадиган, водопровод тагига тарвузини қўйиб, сувда соатлаб салқинлашадиганлар учраб туриши анчанин ташвишли. Бунинг учун улар йиллар давомида сувга ҳеч қанча тўлов қилмаган, чунки нархлар жуда арзон, ҳатто кўп хонадонларга ҳисоблаш қурилмалари ўрнатилмаган эди. Натижада сувни тежамкор ҳам, ундан бемалол фойдаланган ҳам бир хил тўлов қилиш қанчаллик адолатли!

Аммо сув нархини кўтаришдан мақсад тежамкорликни оширишдангина иборат эмас! Ушбу заруратга қатор омиллар, жумладан, марказлашган ичимлик сув таннархи ва ундан фойдаланиш учун белгиланган сув тарифларини орасидаги тафовутнинг катталашгани, нархга нисбатан ишлаб чиқариш харажатлари юкюрилиги сабаб бўлди. Утган йилги таҳлилларга

кўра, юртимиз бўйича ўртача 1 куб метр ичимлик сув ишлаб чиқариш учун 1312 сўм, 1 куб метр оқова сувни тозалаш учун 753 сўм сарфланган. Тарифлар эса сўнгги 3 йилдан буён



ўзгармай келаётгани натижасида ўрта ҳисобда 40 фоиз ошган таннарх харажатлари ҳисобидан 960 миллиард сўм қопланмасдан қолган. Бу қўшимча қарз харажатларини келтириб чиқаради, дегани. Бундан ташқари, охириги уч йилда истеъмолчилар сонини 808 мингга ошган. Демак, уларга ичимлик сув етказиб бериш янада кўпроқ меҳнат ва харажат талаб этади. Ана шу харажатларнинг фарқлигини ҳисобига тарифлар ҳар бир вилоят ҳудудларида турлича белгиланган. Айни пайтда юртимиз бўйлаб 1 куб метр ичимлик сувни етказиб бериш ўртача 2374 сўми, 1 куб метр оқова сув хизматларини кўрсатиш эса ўртача 1300 сўми ташкил этамоқда.

Сув учун тўлов қимматлашар экан, одамларда шахсий дахлдорлик, масъулият ҳам олиши керак. Чунки сувни исроф қилиш фақатгина шахсий масала эмас. Айримлар миниб юрган автотомобилни кунига икки марта ювишини эшитиб, ҳайрон қолади киши. Уша одам машинани ариқ сувида ювмаслиги тайин, ичимлик сувдан фойдаланади. Бунинг учун у қанча сувни исроф қилаётгани ҳақида ўйлаб кўрармикан? Бу ҳам жиддий масала аслида. Қолаверса, ичимлик сувдан ҳўжасизларча фойдаланганлик учун қонунчиликда жавобгарлик белгиланган. Ушбу ҳаракат фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача

(1 миллион 125 минг сўм), мансабдор шахсларга 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда (3 миллион 750 минг сўм) жарима солишга сабаб бўлади.

Нақд пул қабул қилинмайди!

Рақамлаштириш — ўзига хос қўлайлик. Яъни замонавий технологиялар асосида электрон ҳисоб-китоб юритилиши ортқча йўқотишларнинг олдини олади. Тўлов жараёнларини

рақамлаштириш эса истеъмолчиларга қўшимча қўлайлик яратиб, тизимда коррупцион ҳолатларга йўл қўймасликка хизмат қилмоқда. Соҳа мутахассислари тўлов тизимидagi қўлайликларини ошириш учун доимий изланишда. Хусусан, жорий йил 1 декабрдан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни фақат электрон шаклда қабул қилиш тизимига ўтиди. Энди ҳеч ким уйингизга келиб, сув учун тўлов талаб қилмайди, нақд пул асосидаги тўловлар фақат банк кассалари, сув таъминоти корхоналари кассалари орқали амалга оширилади.

Ушбу амалиётдан кўзланган мақсад соҳада шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупцион ҳолатларга барҳам беришдир. Бунда назоратчи ва оворатқилигига сабаб бўлади. Электрон тизим эса тўловларни инсон омилсиз, шаффоф тарзда амалга ошириш ва қайд этиш имконини беради. Истеъмолчилар тўлов қилишда ўзи учун қўлай ва тезкор бўлган бир қанча онлайн платформалардан фойдаланиши мумкин.

Ана шундай чора-тадбирлар ҳамда нархлар оширилиши ҳам айрим инсонларнинг сув тежамкорлигига сабаб бўла олмаётгани ачинарли. Вақоланчи, биз сувни қимматга сотиб олаётганимиз учунгина эмас, балки бебаҳо неъмат бўлган, дунёда миллионлаб одам унга эроз егани учун ҳам тежаб ишлаштига масъулимиз. Бунинг учун халқимиз орасида истеъмол маданиятини ошириш, ҳар биримиз оддий кундалик меъёбларга риоя қилишимиз лозим. Масалан, носоз жўмрак, машидий техника ёки майса пуракчиқларини ўз вақтида тўзатайлик. Чунки оқётган томчиқлар вақт ўттиши билан катта йўқотишга олиб келади. Ёки тизи юваётганда сувни ўчириб қўйиб, бир стакан сувдан фойдаланиш қийфоз. АҚШ Атмосферани муҳофаза қилиш агентлиги маълумотларига кўра, шу оддий қадам бир ойда 700 литр сувни тежаш имконини беради. Бу рақам сўмга чакилса, қанча маблағ тежаш мумкинлиги ойдинлашади. Замонавий ўлчов асбоблардан фойдаланиш ҳам сув, электр энергиясини тежамкорлигида катта аҳамиятга эрга.

Таҳлилларга кўра, юртимизда ичимлик сувни исроф қилиш ҳолатларининг аксарияти ҳисоблагич ўрнатилмаган истеъмолчилар ҳиссасига тўғри келади. Қонунчиликка асосан, сувни ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмаган ҳолатларда сув таъминоти хизматлари учун аҳоли истеъмолчиларига белгиланган тарифларга 1,5 орттирилувчи коэффицентни қўллаш йўли билан ҳисоб-китоб амалга оширилади. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳам аҳоли хонадонларини тўлиқ электрон ҳисоблагичлар билан таъминлаш белгиланган. 2021 йилда бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 77,2 фоизга етди.

Аҳмад СУВОНҚУЛОВ, “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи

Аввало, асосий вазифамиз сифатида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш қўламини ошириш қилиб белгилаб олганимиз шубҳасиз. Доимий харажатлар орқали бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб борапти. Ҳозирги кунда юртимизда ичимлик сув билан марказлашган ҳолда таъминланган жами аҳоли сонини 28 миллион 587 мингта, шундан ҳисоблагичлар билан таъминланган абонентлар сонини эса 3 миллион 799 мингтага етган. Жорий йил давомида “Ўзсувтаъминот” АЖ тизимидagi корхоналар томонидан 1625 миллион куб метр ёки ўртача кунига 4859 минг куб метр ичимлик сув қайта ишлаб чиқарилади.

Йирик ислохотлар, лойиҳалар, катта ишлар амалга оширилляпти. Хусусан, кейинги етти йилда аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилашга 20 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилиб, 2916 та сув иншооти ва 43 минг километрге яқин ичимлик сув тармоғи тортиди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан бугунга келиб 80 фоиздан ошди. 2026 йилда бу кўрсаткични 88,9 фоизга етказиш режалаштирилган. Утган давр мобайнида 8 миллионга яқин аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланиб, 14,5 миллион кишининг таъминоти яхшиланди.

Лойиҳалар қўламини катта

Сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш фақат сўзда айтиладиган жараён эмас. Уни амалиётда жорий этиш учун катта маблағ, янги лойиҳалар, замонавий ёндашувлар зарур. Яъни биргина эскирган қуварлар орқали қанча сув йўқотилиши, қишлоқ ҳўжалигидаги эскича суғориш натижасида сув беҳуда сарф бўлишини инobatта олсак, лойиҳалар орқали буларга ечимлар



— Қўшим Ислон қуёш панели ўрнатибди. Ойига 300 киловатт электр энергиясини 1000 сўмдан сотиб, 300 минг сўм даромад олаётган экан. Буни эшитиб, мен ҳам қуёш панели ўрнатадиган корхонага жўнадим. Борсам, 3 киловаттлик қуёш панели 9 миллион 200 минг сўмга ўрнатиб бериладиган бўлди. Қолган 7 миллион сўм давлат ҳисобидан субсидия асосида қопланар экан. Хаммасини қўшиб ҳисоблаганда умумий нархи 16 миллион 200 минг сўм бўлди. Қандай яхши, имтиёздан фойдаланай деб 3 киловаттлик қуёш панели ўрнатиш учун банкка бордим. Барака топсин, банк ходимлари ҳам ярим соат ичида кредит расмийлаштириб берди. Энди уч йил ичида ҳар ой 335 минг сўмдан тўлаб, кредитимни қайтарар эканман. Уч йилдан сўнг қуёш панели тўлиқ фойдага ишларкан деб ўйладим, — дейди нукуслик Даулетмурат Пахратдинов.

Ҳақиқатан, бугун хонадон эгаси 1 киловатт-соат электр энергиясини давлатга 1000 сўмдан сотмоқда. Хонадонга 5 киловатт қувватли қуёш панели ўрнатилса, ойига ўртача 750 киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқаради. 4 кишилик хонадонда ойига ўртача 400 киловатт-соат электр энергиясини истеъмол қилинса, ортиб қолган қувват хонадон эгасига ойига 350 минг сўм даромад келтиради.



“Яшил” энергия

ТАБИАТ ҚУВВАТИ

фойдали даромад манбаидир

Бу қурилмани ўрнатиш жуда осон ва узоқ йиллар техник хизмат кўрсатиш талаб этилмайди. Чунки махсус синов лабораториялари текширувидан ўтказилган ҳолда ўрнатилиши сабабини ўртача 20-25 йил давомида хизмат кўрсатади. Хонадон эгасини электр энергиясининг эҳтиёжидан ортган қисминини электр тармоқлари корхонасига сотиб даромад қилади. Бунда жисмоний шахслар ҳеч қандай солиқ тўлови тўламайди.

Қуёш панелларини юридик ташкилотлар ҳам ўрнатиб, давлатга электр энергиясини сотиб фойда олмақда. Масалан, берунийлик тадбиркор Руслан Қазақов қуёш панелларини даромад манбаига айлантириб улгурди. Ҳозир у давлат ажратган 1,5 гектар ерда 850 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатиб, ишлаб чиқарилган электр энергиясини “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятига сотиш орқали ойига 120 миллион сўмгача даромад топмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркор ўзига тегишли савдо дўконда ҳам 20 киловаттлик қуёш

панелларини ўрнатган. Бунинг натижасида “Komil-Ruslan” масъулияти чекланган жамиятининг электр энергиясига эҳтиёжи тўлиқ қуёш панели ҳисобидан қопланиб, ортган энергияни сотиш йўлга қўйилган.

Аҳоли сотган электр энергиясини учун маблағ давлат томонидан ҳар ой “Solix” мобил иловаси орқали фуқароларнинг банк пластик картасига ўтказиб берилади. “Ақли” электр ҳисоблагичлар қуёш панеллари орқали олинган электр энергиясини ҳар ойда қанча сотилганини аниқ-тиниқ ҳисоблаб беради. Жараёни телефондан ўрнатилган махсус илова орқали онлайн кузатиб бориш мумкин.

Қорақалпоғистонда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида бугунга қадар 1537,5 киловатт қувватдаги қуёш панеллари ишга туширилди. Жумладан, ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида 295 киловаттлик, тадбиркорлик субъектларида тегишли бино ва иншоотларнинг томида 688,4 киловаттлик ва хонадонларда 558,1 киловаттлик қуёш панели, 15 минг

211 та уйда тежамкор лампа, 2305 тасида газ тақсимлаш ускуналари ўрнатилади.

Йил сайин қуёш панеллари нархи пасайиб бормоқда. Бу уларни оддий истеъмолчи ҳам бемалол ўз хонадонда ўрнатиши мумкинлигини аниқлатади. Қуёш панелларини ўрнатиш орқали анъанавий энергия манбаларига талаб камаяди. Энг муҳими, ҳар бир истеъмолчининг ўз энергия манбаи бўлади. Оиланинг энергия тўлови учун харажати камаяди.

Шу ўринда мамлакат бўйича қуёш панеллари ишлаб чиқариш биринчилардан бўлиб Қорақалпоғистонда йўлга қўйилаётганини айтиб ўттиш жоиз. Президентимиз жорий йил 19 август кунини ташрифи давомида “Nukus Electroarrat” қўшма корхонасидagi янги лойиҳа билан яқиндан танишган эди.

— Корхонамиз 2017 йилда ишга туширилган. Олдин корхонамизда электр энергиясини тармоғи учун кучлиниқ қурилмалари ишлаб чиқарилади. Жорий йил июндан бошлаб корхонамиз 10,5 миллион АҚШ

доллари қийматидаги инвестиция асосида фаолиятини янгидан бошлади. Биз ишлаб чиқараётган қуёш панелларида 30 йил кафолат бормоқда. Бу уларни оддий истеъмолчи ҳам бемалол ўз хонадонда ўрнатиши мумкинлигини аниқлатади. Қуёш панелларини ўрнатиш орқали анъанавий энергия манбаларига талаб камаяди. Энг муҳими, ҳар бир истеъмолчининг ўз энергия манбаи бўлади. Оиланинг энергия тўлови учун харажати камаяди.

Шу ўринда мамлакат бўйича қуёш панеллари ишлаб чиқариш биринчилардан бўлиб Қорақалпоғистонда йўлга қўйилаётганини айтиб ўттиш жоиз. Президентимиз жорий йил 19 август кунини ташрифи давомида “Nukus Electroarrat” қўшма корхонасидagi янги лойиҳа билан яқиндан танишган эди.

— Корхонамиз 2017 йилда ишга туширилган. Олдин корхонамизда электр энергиясини тармоғи учун кучлиниқ қурилмалари ишлаб чиқарилади. Жорий йил июндан бошлаб корхонамиз 10,5 миллион АҚШ

туширилиши натижасида ҳар йили 350 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқарилади. Ўртача 100 миллион куб метр табиий газ тежаллади, ҳавога 180 минг тонна карбонат ангидрид газини тарқалишининг олдини олинади.

Бундан ташқари, Қораўзақ тумани “Қойбақ” ОФЙ ҳудудда умумий қиймати 220 миллион долларлик “Нукус-2” лойиҳаси ҳам амалга оширилиб, 26 та шамол турбинасини генераторлари ўрнатилади. Лойиҳа тўлиқ ишга туширилгандан сўнг ҳар йили 794 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқарилишига имконият яратилади. Бундан ташқари, “ACWA Power” компанияси Қўнғирот туманида умумий қуввати 2000 мегаваттлик шамол электр станциясини қуриш бўйича яна 4 та лойиҳани амалга ошириши белгиланган.

Бугун мамлакатимизда “яшил” энергиядан фойдаланиш тобора катта аҳамият касб этамоқда. Жойларда қуёш панеллари ўрнатилишига имконият яратилади. Бундан ташқари, “ACWA Power” компанияси Қўнғирот туманида умумий қуввати 2000 мегаваттлик шамол электр станциясини қуриш бўйича яна 4 та лойиҳани амалга ошириши белгиланган.

Бугун мамлакатимизда “яшил” энергиядан фойдаланиш тобора катта аҳамият касб этамоқда. Жойларда қуёш панеллари ўрнатилишига имконият яратилади. Бундан ташқари, “ACWA Power” компанияси Қўнғирот туманида умумий қуввати 2000 мегаваттлик шамол электр станциясини қуриш бўйича яна 4 та лойиҳани амалга ошириши белгиланган.

Муқобил энергиядан фойдаланиш — давр талаби. Ҳар томонлама мақбул бу тизимнинг омаллашуви давлатга ҳам, табиатга ҳам, аҳолига ҳам фойдали бўлмоқда. Техноложик тараққиёт ва энергия таъминоти ортиши яқин йилларда қуёш панелларини энг оммабоп муқобил энергия ишлаб чиқариш манбаига айлантириши тайин.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Янги ёндашувлар

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪЛИМ СИФАТИ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Жорий йил 20 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган давлат сиёсати изчил давом эттирилишини таъкидлади.



Абдивали ШАМШИЕВ, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Бугунги кунда таълим сифатини ошириш ва жараёни такомиллаштириш учун рақамли технологиялар муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатимиз "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида таълим соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш йўлида катта қадам ташламоқда. Мактаблар ва олий таълим муассасалари синфлари ҳамда аудиториялари энди илгор технологиялар билан жиҳозланган. Улар ўқув жараёнини интерактив, шаффоф ва қизиқarli қилишда ёрдам бермоқда. Масалан, smart доскалар, компьютерлар, iPad ва бошқа ўқув воситалари ёрдамида ўқувчилар ҳамда талаба ёшлар маълумотларини тезроқ ўзлаштириши, бу жараён ўқувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини қондиради.

Хозир таълимни рақамлаштириш глобал миқёсда муҳим тенденцияга айланди. Янгиликларни қабул қилиш, технологияларни жорий этиш ва рақамли қурилмаларни фаол ишлатиш орқали таълим жараёни самарадорлигини ошириш мумкин. Бунда бир неча муҳим аспектларга эътибор қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Рақамлаштириш таълим соҳасида замонавий технологияларни жорий қилишни аниқлатади. Мисол учун, электрон дарсликлар, онлайн платформа ва ресурслар, видеолекциялар ва интерактив ўқув қурилмалари талабаларнинг

янги таълим олиш усулларини самарали равишда ўзгартиришда. Бу воситалар талабаларга маълумотни осонгина олиш, қайта такрорлаш ва ўз устида ишлаш имконини беради. Шунингдек, рақамлаштириш талабаларнинг индивидуал ўқиш усулларини ривожлантиришга қўмаклашди. Талабалар ўз мисолларини белгилаш имконига эга. Бундан ташқари, онлайн курслар ва вебинарлар орқали ҳар қандай жойдан таълим олиш имконини беради, бу эса географик чекловларни бартараф этади.

Рақамли таълим платформалари маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш учун самарали воситадир. Ушбу маълумотлар асосида таълим самарадорлигини баҳолаш, занф жиҳатларини аниқлаш ва таълим жараёнини яхшилаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилади.

Устозлар ва талабалар орасидаги алоқани осонлаштиришда ҳам рақамлаштириш муҳим. Бундан ташқари, устоз-шогирд аъналарини янада замонавий тус олдирди. Онлайн платформа орқали талабалар устозлар билан тез алоқа ўрнатиши, саволлар бериши, фикр алмашиши мумкин. Шунингдек, ўқитувчилар ўқув жараёнини самарали бошқариш, талабаларнинг муваффақиятларини кузатиш ва индивидуал ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Рақамлаштириш жараёнидаги муваффақият учун керакли ресурслар, тайёргарлик ва мисолчи муҳим аҳамиятга эга. Талабалар ва устозларга рақамли қурилмалардан самарали фойдаланиш учун махсус тренинглари, семинарлар ва вебинарлар ташкил этиш зарур. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда таълим муассасалари, давлат органлари ва технологик компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Илмий манбаларга кўра, рақамли таълим платформалари таълим самарадорлигини юксалтиради, вақтни тежайди ва ўқувчилар фаоллигини оширади. Рақамли таълим платформаларининг энг муҳим афзалликларидан бири шундаки, улар ўқув жараёнини шаффоф ва очиқ қилади. Бундай платформалар ўқувчилар дарс материалларига қирисини осонлаштириши, шунингдек, уларни кўриб чиқиш ва мустақил ўрганиш имконини беради.

Бу борадаги бошқа илмий манбалар сифатида, масалан, Халқаро таълим инновациялари маркази томонидан чоп этилган мақолалар ҳам келтирилиши мумкин. Унда рақамли таълимнинг педагогик жараёндаги таъсирини чуқур таҳлил қилинади. Бу каби тадқиқотлар рақамлаштириш орқали таълим



тизимига қандай янгиликлар киритилаётгани ва ўқитиш услубларининг қандай ўзгараётгани ҳақида қимматли маълумот беради.

Юқоридаги фикрлар ва назариялар орқали кўриниб турибдики, таълимни рақамлаштириш ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, интерактив ва индивидуаллаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчилар учун қулайликлар яратди.

Рақамли таълим платформалари ҳам катта имкониятларни тақдим этмоқда. Ўқувчилар билимларини онлайн олиши, уй вазибаларини мустақил равишда бажариши ва дарслар оралиғида ўзини синиб кўриши мумкин. Бу жараён дарсларда қатнашмаслик ҳолатларини камайтиради, ўқувчиларнинг фаоллигини яхшилайди ҳамда ўқитувчиларнинг кундалик юкунини енгиллаштириши. Талабаларнинг танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мамлакатимизда бу борадаги ишлар халқаро тенденциялар билан уйғунлаштиришни алоҳида эътироф этиш керак. Бугунги ўқувчилар "рақамли авлод" ўлароқ кун бўйи экранлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Рақамли технологияларни таълимга киритиш нафақат таълим сифатини оширади, балки ўқитувчиларнинг ролини ҳам ўзгартиради. Эндиликда улар фақат билим берувчи эмас, балки ўқувчиларнинг мустақил ўрганиш жараёнига йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳам бўлиб қолмоқда. Таълим тизимини "рақамли авлод" эҳтиёжларига мослаштириш замонавий жамиятнинг талабларига жавоб берадиган билимдон, малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон яратди.

Ўқувчиларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган интерфаол таълим жараёнида ўқитувчилар асосий роль ўйнашда давом этмоқда. Ўқитувчиларнинг оғир-эътибори ва фаоллиги самарадорлиги нафақат дарс мазмунини



билиш даражаси ва педагогик маҳорати, балки ўзига хос мавзуларни тўплаш, қайта ишлаш ҳамда ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланишига ҳам боғлиқ. Яъни рақамли асрадаги таълимни қайта кўриб чиқиш, таълим парадигмасини ўзгартириш керак, чунки талабалар энди аънавий усулларда ўрганишни хоҳламайди ва ўқитувчилар ҳам бу тарзда дарс бера олмайд.

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, аралаш таълим каби технологияларни амалга ошириш жорий этиш сингари вазибалар белгилан берилган. Ана шундан келиб чиқиб, кейинги



йилларда олий таълим муассасаларида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Бунинг амалий ифодаси олийгоҳларда кўринмоқда. Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университетида HEMIS OTM ахборот тизими жорий этилди. Тизимни жорий қилиш, ўқув жараёнини ташкил этишда талабанинг мустақил таълим олишидан тортиб, ҳар бир фан ёки лаборатория машғулотини ўзлаштириш кўрсаткичига ҳам бўлган барча жараёнлар самарадорлигини оширишга эришилди. Ушбу ташаббуслар, бир сўз билан айтганда, рақамли технологиялар асосида таълим муҳитини лойиҳалаш талабаларни ахборот билан таъминлаш, сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда вақт ва макон чекловларини четлаб ўттиришга ёрдам бермоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 21 июндаги "Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаоллигини янада ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари кўндуги таълим шаклида тахсил олаётган 2-4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти "4+2" тартибда, шу жумладан, дарсларнинг 4 кун олий таълим муассасасида, 2 кун мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўтатиш тартиби жорий қилинган.

Рақамли технологиялар орқали ахборот алмашиш тезлиги ва ишончилиги ортмоқда, бу эса давлат идоралари, корхоналар ва таълим муассасаларида иш жараёнларини соддалаштиради, вақтни тежашга ёрдам беради ва стрессини камайтиради. Бу нафақат таълим жараёни сифатини оширишга, балки умумий иқтисодий-иқтисодий ривожланишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон ҳам бу йўлда изчил ривожланиб, таълимни рақамлаштириш орқали миллий иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда муҳим ўзгаришларни амалга оширмоқда. Рақамли таълим технологиялари орқали таълим жараёнининг интерактивлиги ошади. Бу ўқитувчилар учун фақат билим бериш воситаси эмас, балки ўқувчиларнинг мустақил билим олишига қўмаклашадиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган воситага айланади. Ўқитувчиларнинг роли эндиликда гўдак менторга айланмоқда, бу эса уларнинг таълим жараёнида аънавий маърузачилиқдан чекиниб, ўқувчиларни мустақил ишлашига, технологик воситалардан самарали фойдаланишга йўналтиришини аниқлатади.

Соҳада "автоном таълим" тушунчаси асосий ғояга айлантирилган ҳам таъкидлаш керак. Бу таълим жараёнида ўқувчи шахсий қизиқишлари ва ўқув суърати асосида ўқишни бошқариши мумкин бўлган, технологик воситалар орқали таълимни индивидуализация қилиш имкониятидир. Бу жараён ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклини яратди. (Virtual) реаллик (VR), сунъий интеллект (AI), катта маълумотлар (BigData) ва бошқа илгор технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш орқали таълимни янада қизиқarli, мисолчи ва интерактив қилиш мумкин. Ушбу технологиялар ўқувчиларнинг билим даражасини самарали баҳолаш ва диагностика қилиш имкониятини ҳам кенгайтиради.

Таълимни рақамлаштириш фақатгина технологияларни жорий этиш эмас, балки янги ёндашувлар, янги имкониятларни очибдири. Рақамли платформа орқали билим олиш, талабаларнинг фаоллигини кучайтириш ва муаллимларнинг ижодий потенциалини ривожлантириш, самарадорлигини оширишга эришилди. Ушбу жараёнда биз барчамиз — талабалар, педагоглар ва таълим муассасалари биргаликда иш олиб боришимиз, албатта, кутилган натижага элтади.

Мулоҳаза



Жамият етук, ҳар томонлама камол топган, ўзида бутун ижобий, олижаноб фазилатларни бирлаштирган авлоднинг тарбиялашни орзу қилади. Тарбияси оғир, маънавияти қашшоқ ёки маънавиятдан маҳрум одамдан бирор эзгулик кутиш мумкин эмас. Чунки у яхшилик ва эзгулик ҳақида умуман ўйламайди. Атрофга ва хатто ота-онаси, қариндош-уруғлари тақдирига ҳам бефарқ, лоқайд қарайди. Тарбияли, маънавиятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади. Шунингдек, келгуси ҳаёти ва турмушини фаровон қилишга интилади.

БОЛА ҚАЧОН ЖАМИЯТ ФАРЗАНДИГА АЙЛАНАДИ?

амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга берилган бўлиши, ўрганишидир", дея таъкидлайди.

Инсон ўз табиатига эришмас, балки мос яшайди. Шундай экан, инсон табиати тушунчаси ҳам, маънавият тушунчаси ҳам "Инсоннинг яшашдан мақсади нима?" деган масалага ечим билан бевосита боғлиқ.

Халқимизнинг асрий турмуш тажрибаси асосида шакланган кундалик қарашда бу саволга қуйидагича жавоб берилади: "Инсоннинг яшашдан мақсади эзгу ишлар қилиб, муносиб фарзандлар тарбиялаб, яхши ном қолдиришидир". Мазкур содда ва ниҳоятда доно фикрдан келиб чиқиб, маънавият инсоннинг эзгулиги йўналтирилган мақсадларига эришиш учун хизмат қиладиган орзу-хаваслари, ақл-заковати, билимлари, амалий фаоллиги асосида ётган иродаси, дейиш мумкин.

Бола табиат фарзанди сифатида дунёга келади. Уни жамият фарзандига айлантириш учун инсондан, айниқса, ота-онасидан жуда кўп меҳнат талаб қилинади. Баъзилар болани боқмас катта бўлади-да деб тарбиясига эътибор бермайди. Агар болани фақат боқиб, тарбиясига эътибор берилмаса, у инсон қиёфасидаги одам бўлади. Лекин ҳақиқий инсон даражасига кўтарила олмайд.

Зурриятини яхши кўриш, асраб-авайлаш барча жонли мавжудот учун ҳосил бўлади. Ҳатто ҳайвонлар паррандалар ҳам боласи туғилганидан уни парваришлашга киришади. Инсон ҳам бу хусусиятдан холи эмас. Бироқ тарбияли бола янада сеvimли бўлади: Ҳазрат Алишер Навоий "Одам борки, одамларнинг нақшидур, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур", деганда тарбия одамларнинг яхшисини шакллантиришига ишора қилади.

ни севиш, атрофдагиларга ҳурмат-эҳтиромда бўлишни ўргатишимиз зарур.

Соҳибқирон Амир Темури ҳам фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтаргани бежиз эмас. Чунки давлатнинг қудрати соғлом фикрли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, ватан тақдирини унинг жонфидо инсонлар биландир. Мамлакатимизда оилани ҳар томонлама мустақамлаш, оила ва таълим тизимида ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини борасидаги муҳим ишлар негизда ҳам айнан шу ғоя ётибди.

Оилада фарзанд ҳаётида синалган тарбия методларидан бири намуна кўрсатишдир. Бобо-буви, ота-она, атрофдаги катталарнинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, муомаласи, ўзини тутиши, жамиятга, табиатга муносабати намуна сифатида жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Болага ақлий-ахлоқий, эстетик, диний, меҳнат тарбияси асослари ота-она намунаси билан сингдириб борилади.

Ота-она фарзанди олдига ақл-заковати, муомаласи, кийинини, ширинсўзлиги, қатъияти, рустўйлиги, меҳнатсеварлиги, оила юришида адолатпарварлиги, илмпарварлиги билан намуна бўлмоғи зарур. Бола феъл-атворига ота-онанинг ўзаро жаманли, оилага, жамиятга, атроф-муҳитга салбий муносабати, ёлгон сўзлаш, қатъиятсизлиги, кийинини, рўзгор юришидаги пала-партишлиги, меҳнатни сеvмаслиги тезда салбий таъсирини кўрсатади.



Баъзи ота-оналар фарзанди келажакнинг фақат моддий таъминлашдан иборат деб билади. Шунинг учун турли йўллар билан мол-дунё фарзандга ўтади. Агар ота-онада тарбия, одоб, маданият бўлмаса, албатта, бунинг фарзанддан ҳам куттиш қийин. Шунинг учун ҳам баъзи руҳшунослар "Фарзандингизни эмас, ўзингизни тарбия қилинг. Шундан фарзандингиз ҳам тарбияли бўлади", дейди.

Инсонда одоб ва тарбия бўлмаса, таълим олиш масаласи жуда қийин. Илми бўлса-ю, одоби, тарбияси бўлмаса, дунёда энг хавфли ва хатарли инсонга айланади. Чунки у одамлар бошига турли қулфат ва балолар келтириши мумкин.

Ота-онанинг бир-бирига нисбатан юксак ахлоқий муносабатини кўрган, билган бола келгусида оила қурганда ҳам турмуш ўртоғи билан шундай яшашга тайёр бўлиб боради. Ҳаёт илмида она қиз бола учун, ота эса ўғил бола учун мураббийдир. "Арқоғини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол", деб бежиз айтилмайди.

Баъзи ота-оналар фарзанди келажакнинг фақат моддий таъминлашдан иборат деб билади. Шунинг учун турли йўллар билан мол-дунё фарзандга ўтади. Агар ота-онада тарбия, одоб, маданият бўлмаса, албатта, бунинг фарзанддан ҳам куттиш қийин. Шунинг учун ҳам баъзи руҳшунослар "Фарзандингизни эмас, ўзингизни тарбия қилинг. Шундан фарзандингиз ҳам тарбияли бўлади", дейди.

Оилада фарзандни тежамкорликка, тadbиркорликка, ташаббускорликка ўргатиш, дунёвий илмлар ва ҳаёт илмидан воқиф этиш, касб-хунар сирларини кунт билан эгаллаш учун шарт-шароит яратиш ҳаёт сўмоқларида адашиб қолмаслик ва раvon йўлдан боришда ёрдам беради.




Муҳиддин ПЎЛАТОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 20 ноябрдаги мажлисида нутқ сўзларкан, жумладан, бундай деди: "Ёшларимиз оғир таълим соҳасида миллий гуруҳ билан бирга умумбаъшарий кадрларга ҳурмат ҳиссини камол

Ҳа, академик Бўрибой Аҳмедов нафақат ўз оиласи, балки бутун ўзбек халқи шони ва шаънини, тарихини тиклаган мард ўғил, фидойи фарзанд эканини исботлади. Унинг жасорати, шижоати ва юксак билими туфайли халқимизнинг асрлар тўфонидида исзис йўқолган тарихий адолати тикланди.

Академик Бўрибой Аҳмедов таваллудининг 100 йиллиги



“1995 йилда олимнинг “Амир Темур” тарихий романи халқимиз эътиборига ҳавола қилинди. Китобхонлар уни жуда севиб ўқиди ва бу асар машҳур бўлди. Муаллиф Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Шундай қилиб Ёзувчилар уюшмаси тарихида биринчи марта тарихчи олимга уюшма аъзоси гувоҳномаси берилди.”



ХАЛҚИГА ФИДОЙИ ЎҒИЛ ВА ЧИН ДЎСТ ЭКАНИНИ ИСБОТЛАГАН ОЛИМ

Ўзлигини излаган инсон ватани тарихига дахлдор барча маълумотни катта иштиёқ билан ўрганади. Биз ҳам талабалик даврида дарслик, қўлланмалардаги маълумотларга қаноатланмай, тарихчи устозларимиз билан баҳсу мунозара қилардик. Чунки юртимиз мустақиллигининг илк йилларида матбуот саҳифаларида тарихий изланишларга оид янги маълумотлар пайдар-пай эълон қилинарди. Зийрак тенгдошларимиз тарихнинг янги саҳифаларидан мисол келтирарди. Аксарият мақолалар тарихчи, шарқшунос-манбашунос олим, тарих фанлари доктори, профессор, академик Бўрибой Аҳмедовга тегишли бўларди.



Адолат учун курашиш ҳаётининг асосий мезони эди

Буюк саркарда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи 1996 йилда халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бўрибой Аҳмедовнинг “Буюк Амир Темур” номли тарихий романи, бир неча альбом-китоби ўзбек, рус, инглиз тилларида рангли нақшларда босмадан чиқади. Парижда ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилган илмий анжуманда Бўрибой Аҳмедов мазмунли маърузалари билан қатнашиб, жаҳон олимларининг эътирофига сазовор бўлади. Шу тариқа ўзбек олимнинг доврути кўплаб элларга тарқалади. Анжуман аҳли истеъдодли олим қаламига мансуб икки юздан ортиқ мақола ўз салмоғи, кўтарилган муаммолар долзарблиги, илмий муомалага олиб кирилган мўътабар қўлёзма манбалар илмий қиймати жиҳатидан жуда аҳамиятли эканини таъкидлайди. Ҳатто бу мақолаларнинг аксарияти хориж матбуотида ҳам чоп этилган.

ишларга енг шимариб киришиб кетади. Амир Темур номидаги жағфармага раислик қилиб, шогирдларини ҳам бу кутлуг жараёнга жалб қилади.

— Бўрибой Аҳмедовда миллатпарварлик руҳи жуда кучли эди, — дейди академик Нейматулла Иброҳимов. — 1950-йилларда ўзбек халқининг келиб чиқиши долзарб мавзу бўлган ва бу борада кўплаб давраларда баҳсу мунозаралар кучайган эди. Ана шу пайтда олим Санкт-Петербургда ўзбек халқининг этно-географик диссертацияни муваффақиятли ёқлаган. Унинг қалами, таҳрири жуда кучли бўлгани боис, манамен деган мунтақидлар ҳам олимга қарши сўз айтишга ботинмаган. Халқимизнинг келиб чиқиши борасида ҳеч бир тадқиқотчи Бўрибой Аҳмедов каби кўп изланмаган. Домла билан суҳбатлашган чоғимизда “Менин ягона орзум ўзбек халқининг тарихини холис яратиб бўлган”. Устоз ўша даврга мукамал шарҳ ва изоҳ бериб бундай ёзган эди: “Ҳар қандай миллат ўзининг келиб чиқишини, кимлигини, насл-насабини билмас, у давлатнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”. Бу сўзлар биз — шогирдларга мангу шиордек айтилган. Зеро, вақт ўтгани сайин бу сўзларнинг қиймати ошиб бораверади.

Олимнинг шижоати ва меҳру муҳаббати манбаси нима эди?

Ўзбекистон радиоси архивида бир суҳбат ҳамон сақланади. Унда академик Бўрибой Аҳмедов “Агар истиқлолимиз йигирма йил олдин келганида эди, тарихимизга оид 5 та эмас, 50 та китоб ёзган бўлар эдим”, дейди. Олимнинг бу шижоати, меҳру муҳаббати манбаси нимада экан, дея кўп ўйлашди ва ушбу радиосуҳбат аввалида академик айтган бир ҳикоя диққатини тортиди.

...1928 йилдан колхозлаштириш ҳаракати бошланди. Домланинг отаси Аҳмадхон ҳам колхозга аъзо бўлди. Қунлардан бир кун унинг қора меҳнатдан зерикиб жонидан тўйганини, бундай бемаъни ишларни бошлаганларни чапаниларча сўкканини айтоқчилар эшитиб қолади. Шундан сўнг 1937 йил 28 ноябрда Аҳмадхон ота ҳибсга олинади. Ортдан аёли ва 4 фарзанди йиғлаб, қақшаб қолади. 13 ёшли Бўрибойнинг кунни машаққатли меҳнатга, андуҳли кунларга қолади. Мактабда ҳам у “халқ душманининг ўғли”, дея ақлаб қўйилди. 1942 йилда бундай мусибатлардан зада бўлган йигит 18 ёшга тўлмаган бўлса-да, кўнгиллилардан бўлиб фронтга отланди. Ушунда ор-муноси кучли ўзбек йигити ўзига ўзи сўз беради: “Мен ўз халқимга фидойи ўғил ва чин дўст эканимни, албатта, исботлайман”.

Ҳа, академик Бўрибой Аҳмедов нафақат ўз оиласи, балки бутун ўзбек халқи шони ва шаънини, тарихини тиклаган мард ўғил, фидойи фарзанд эканини исботлади. Унинг жасорати, шижоати ва юксак билими туфайли халқимизнинг асрлар тўфонидида исзис йўқолган тарихий адолати тикланди. Шу боис, айти кунларда академик Бўрибой Аҳмедов феномени миллий ўзлимиз, дунёни ларзага солган Соҳибқирон шухратига эш қадримиз, кўҳна ва мумтоз руҳиятимиз янгли юксак мезонларда шарафланмоқда, эъзозланмоқда.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



инсон бўлган. Ёш Бўрибой кутубхонадаги китоблар ичидан қалингина китобни танаб олди, “Бу қандай китоб?” деб сўрайди. “Э, ўғлим, китоб танлашни билар экансиз, бу китоб Мирхонд деган машҳур тарихчи олимнинг “Равзат усафо” деган ноёб асари”, дейди Собирхўжа.

Яздий ва Шомий асарлари билан танишиб, манамен деган ёзувчиларникидан қилишмайдиган салоҳияти билан бадийий асар ёза олган. Айниқса, Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳақида у пайтда деярли маълумот бўлмагани боис, ушбу эссе ҳам шов-шув бўлиб кетган. Бўрибой Аҳмедовнинг ўзгача салоботи бор эди. Шу боис, ундан ниҳоятда ҳайқар эдик. Домланинг номи ўздан олдинда юрган, десаам адашмаган бўламан. Чунки у ҳақиқий зиёли, олим қандай яшаши, меҳнат қилиши



“БУЮК САРКАРДА АМИР ТЕМУРНИНГ 660 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕИ 1996 ЙИЛДА ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ. Бўрибой Аҳмедовнинг “Буюк Амир Темур” номли тарихий романи, бир неча альбом-китоби ўзбек, рус, инглиз тилларида рангли нақшларда босмадан чиқади. Парижда ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилган илмий анжуманда Бўрибой Аҳмедов мазмунли маърузалари билан қатнашиб, жаҳон олимларининг эътирофига сазовор бўлади.”

ва изланиши кераклиги борасида сўзи билан бирга хатти-ҳаракати, амалий иши билан бизга ўрнатилган. Ҳатто жаҳли чиққан пайт ҳам домланинг кўздан боланиқидек беғубор қалби, тоза олимлиги, самимияти балкиб турарди. Бирор иқтидорли талабани сезиб қолса, жуда қувониб кетар, ўша талабани ҳоли-жонига қўймай, топшириқ ва вазифалар билан қаттиқ ишлашга мажбур қилар эди.

Бўрибой Аҳмедов жаҳон таниган ва тан олган шарқшунос, манбашунос олим эди. Қанд касали азоб берса-да, кексагидан чоғида ҳам ўзбек давлатчилиги тарихига доир қўлёзмаларни тадқиқ этишдан асло толмади. Академик кичик бир илмий-тадқиқот институтига еттулик юкни зиммасига олди. Истиқлол йилларида қарий 200 босма табоқли, аниқроғи, 3200 бетли 7 та китобни нашр эттирди. У Амир Темур даврининг чуқур билимдони эди. Олим “Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан”, “Қўчманчи ўзбеклар тарихидан”, “Хондамир”, “Баҳр ул-асрор”, “Балх тарихи”, “XV-XVIII асрлар ўрта Осиё тарихий-жўғрофий адабиёти”, “Мирзо Улуғбек”, “Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари” каби китоблар ёзган, яна ўнлаб мумтоз асарларни ўзбек тилига ўтирган. Ушбу китоблар тарихимизнинг ёзилмаган саҳифаларига бағишлангани билан диққатга сазовор.

Тарихчилар адиби, адибларнинг олими эди

1995 йилда олимнинг “Амир Темур” тарихий романи халқимиз эътиборига ҳавола қилинди. Китобхонлар уни жуда севиб ўқиди ва бу асар машҳур бўлди. Муаллиф Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Шундай қилиб Ёзувчилар уюшмаси тарихида биринчи марта тарихчи олимга уюшма аъзоси гувоҳномаси берилди.

— Устозимиз тарихчилар адиби, адибларнинг олими эди, — дейди академик Нейматулла Иброҳимов. — Шу боис, тарихимизни омалаштиришдаги хизмати катта бўлган. Масалан, “Мирзо Улуғбек” эссесини ўша пайтда бошқа ёзувчи-шоирлар ёза олмас эди. Чунки уларда манба бўлмаган. Домла эса керакли манбаларни билган, ўқиган ва ишонч ҳосил қилган. Шарафиддин Али

Ўторак ўғил-қизлар олимнинг аччиқ киноя ва жонқуярликка йўғрилган мулоҳазаларидан хушёр тортар, аста-секин улугворлик касб этаётган ўтмишимизнинг сирли сарҳадларига теранроқ назар ташлашга интилардик. Устозларимиздан ҳам мана шундай куйинчаклик, хушёрликни талаб қилар эдик. Масалан, 1993 йил февралда матбуотда ардоқли олимнинг “Искандарнинг ўчини Спитамендан оламизми?” деган мақоласи эълон қилинади. Университетнинг йиғилишлар залда аини мақола муҳокамаси жуда қизгин ўтган. Ушбу мақоладаги “Биз ҳозир ҳам кўп нарсасга қодиримиз. Мактабни қайта қуришга ҳам, тарих ва маданий меросни унутиб ўрганишга ҳам. Лекин бундай қилмаётганимиз. Мактаб аҳоли ҳамон ёмонлигича қолиб келаяпти, тарих ва маданий меросни ўрганишда оқсаб юрибмиз. Шундай бўлса, миллий гуруҳ билан миллий ифтихорни ўқимаган халқ қаердан олсин? Ҳамма нарсасга шарт-шароит бўлтуриб, бу қадар орқада қолганимизнинг сабаби нимада? Фикримча, бунинг сабаби битта — интизом, хусусан, иш интизоми бўш. Ўзимизни, фақат ўзимизни, деб меҳнат қилмай, авлодни ўйламаймиз. Ва яна баъзан меҳнат ўзига яраша тақдирланмайди. Илгариги вақтларда инсон фаолияти кадрларни танлаш, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш ва ижрон тегишли мезонлари билан баҳолаган. Эътибор билан қаранг-а, қандай яхши принциплар. Афсуски, инсон фаолиятини ўлчаш учун бирдан-бир ҳалол мезон бўлган бу принциплар бора-бора йўқолиб кетаяпти”.

Ахир чиндан ҳам биз кўпинча нафақат тарихимиз ва адабиётимиз, балки бошқа соҳаларга ҳам аксарият ҳолда манфаатимизни ўйлабгина эътибор қаратамиз. Келгуси авлод, миллат манфаати қачон биз учун ҳаётимизнинг бош мезонига айланади?

“Тўхтанг, илмий янгилигингиз борми?”

Жорий йил октябрда академик Бўрибой Аҳмедов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб “Амир Темур ва темирлар даври тарихи масалалари” номли илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуман залига қираётиб, ҳамроҳлар билан академик Бўрибой Аҳмедовнинг тадбирлар ҳақидаги сўзини эсладик. Устоз “Одатда ҳисоботларга бағишланган илмий кенгашларда,



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4579.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.
“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 22:15 Топшириди — 00:45